

Oila va jamiyat

@oilavajamiyatgazetasi_bot



“Хўш, она тили- мизга туширилган "тарсаки"дан кейин ҳам шу кетишда кетаверамизми? Сайлов кунлари кўкрак керган депутатлар қани? Она тили ҳақида қайғуришни энди бошлашяпти, шундаям бу муаммо бармоқ билан санарлисининг хаёлидан ўтяпти, холос. Қолгани ҳалиям уйкуда!”

Ona tilimizni “kaltaklar” ostida qoldirolmaymiz! ● 4

Mehr — hayotimiz ustuni

Бувим худони куни борки, йўл қарайди, кўзлари тўрт бўлиб, кенжа ўғлини кутади. Кута-кута толиққач, чуқур хўрсинади, кўзларида шашқатор ёш тизилади, довулда қолган чинордек бошини оғир тебратган кўйи бўғиқ овозда одатдаги ғазални ўқийди:
*Меҳр кўп кўргуздум, аммо меҳрибоне топмадим,
Жон баса қилдим фидо оромижоне топмадим.* ● 5



О'ғил тарбиясида отанинг о'рни boy berilsa, oila qo'rg'oniga darz ketadi



Бугун фарзанд тарбияси долзарб мавзуларимиздан бири. Қиз бола хулқи доимо эътиборталаб масала булгани боис, бу мавзуга кўп муурожаат қилинган. Қизларни тўғри тарбиялаш ҳақида ёзилган китоблар ҳам оз эмас. Аммо ўғил боланинг хулқи, юриш-туришичи? Катталаримиз «Ўғил бола думалаб-юмалаб, уришиб-талашиб катта бўлаверади», деб қизларга кўпроқ эътибор беришади. Аммо ҳозирги замонавийлашган давримизда ўғил болаларга ҳам алоҳида эътибор, тарбия керак!!! ● 7

Bizga korrupsiyasiz jamiyat kerak!



Boqimandalik: nochorlikmi yoki noshukurlik? ● 8

– Дадаси бўлса ишлаб-ишлаб охирида нима қилди, ана кетди қамалиб, кўриб ўтирибсиз болаларим ҳаммаси ҳам «ейман-ичаман», деб қолди.
Жағи очилган аёл маҳалла раисининг ҳеч бир гапига кўна қолмасди. «Аризамни ижобий ҳал қилиб бермасангиз, бошқа жойга ёзаман», дедию хайрмаъзурни насия қилиб, чиқиб кетди.

BUGUN HARAKAT, IZLANISH, YARATISH DAVRIDIR

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини йўлга қўйганлигига ҳали кўп вақт бўлмаган бўлса-да, ўз олдига қўйган вазифалар салмоғи анча залворли.

Аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож, эҳтиёжманд қатламини муаммоларини ўрганиб чиқиб, бандлигини таъминлаш, керак бўлса касбий кўникма бериш, ўқитиш орқали янги иш ўринларига, ёки тадбиркорлик, ҳунармандчиликка йўналтириш орқали камбағалликка қарши курашиш янги ташкил этилган вазирликнинг олдиди турган, кечиктириб бўлмайдиган вазифа этиб белгиланган.

Эскича тизимдан мутлақо фарқли равишда олиб борилаётган ишлар, долзарб вазифаларнинг амалдаги ижроси таҳлилига назар ташлаш, жойлардаги ҳолатларни ўрганиб чиқиб, керакли тавсиялар бериш, мавжуд муаммолар ечимини топиш, қолаверса эришилаётган ютуқларни кенг оммага татбиқ этиш мақсадида навбатдаги семинар ана шундай мавзуда ўтказилди.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири, Олий Мажлис Сенати аъзоси Раҳмат Маматов бошчилигида вилоятимизга келган мутасадди

ташкilotлар вакиллари ва бошқалар ўз ташрифларини Хонабод шаҳридан бошлаб, бу борада амалга оширилаётган ободонлаштириш, яратиш ишлари билан яқиндан танишиш мақсадида яёв юриб, маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан амалга оширилаётган ишларни кўздан кечиришди, уларни қўллаб-қувватлаш учун мавжуд муаммолар ечими таҳлил қилинди.

Ёшларни, қолаверса ишсиз хотин-қизларнинг маълум бир касбга йўналтириш, касбий кўникмалар бериш мақсадида ўқув курслари яратиш, ўқитиш бўйича керакли тавсиялар берилди.

Шунингдек, мутасаддилар Шаҳрихон тумани "Бувайда" маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам бўлиб, ташриф жараёнида вазирлик олдиди турган функционал вазифалар ижроси таҳлил қилинди.

Мазкур фуқаролар йиғинида 710 та хонадон мавжуд бўлиб, 1150 дан ортиқ оилалар истиқомат қилади.

Аҳолининг яшаш тарзи, қийнаётган муаммолар, камчиликларни бартараф этиш борасидаги амалий ишлар ижроси ўрганиб чиқилди.

Айниқса бугунги эпидемик вазиятда вақтинча ишсиз қолган, эҳтиёжманд оилалар талайгина. Шу билан бирга ногиронлиги бор, меҳнатга лаёқатсиз фуқаролар учун ҳам моддий ва маънавий кўмак бериш



Халқни рози қилиш, яхши яшаш, дастурхони тўкин бўлиши учун Юртбошимиз бошчилигида мамлакатимизда жуда катта ишлар амалга оширилмоқда, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигини қўллаётган янгича ёндашувларнинг мазмун моҳияти ҳам шунда.

мақсадида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда аҳолига балиқ бериш эмас, балки балиқ тутишни ўргатиш билангина юзага келиш эҳтимоли бўлган инқирозни олдини олиш, фуқароларни меҳнатга бўлган муносабатини тубдан ўзгартириб, берилаётган имкониятлардан фойдаланиш, ажратилаётган кредитлар ёрдамида томорқачилик, боғдорчилик, узумчилик каби даромад келтирадиган соҳаларга жалб этиш,

уларнинг руҳиятига ишчанлик, фаолликни сингдириш албатта кўзланган натижаларни беради.

"Бувайда" маҳалла фуқаролар йиғини томонидан олиб борилган тушунтириш тарғибот ишлари, эришилаётган ижобий натижалар ва ечимини кутаётган муаммоларга ҳам атрофлича тўхталиб ўтилди.

Халқни рози қилиш, яхши яшаш, дастурхони тўкин бўлиши учун Юртбошимиз бошчилигида мамлакатимизда жуда катта ишлар амалга оширилмоқда, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигидан қўллаётган янгича ёндашувларнинг мазмун моҳияти ҳам шунда. Демак, бугун кўп қовуштириб ўтириш фурсати эмас, интилиш, изланиш ва ҳаракат даври. Шундай экан, барча соҳалар қатори маҳаллалар олдиди турган масъулиятли вазифалар ўз ечимини кутмоқда.

Андижон вилояти Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси ахборот хизмати.



"PANDEMIYA DAVRIDA BIZ AYOLLAR YANADA CHUQURROQ ANGLAMOQDAMIZ"

Маълумки, бутун дунёда инсоният учун умумий бир синов даври кечмоқда. Коронавирус пандемияси тиббиёт тилида айтганда, ўз геометрик прогрессиясида тарқалиб, одамларни безовта қилмоқда. Афсуски, дунёнинг кўп давлатлари қаторида Ўзбекистон халқи ҳам бу синовдан четда қолмади. Яратганнинг бу каби синовларидан миллати, тили ва динидан қатъи назар ҳеч ким ва ҳеч бир ва ҳатто қудратлиман деган давлатлар ҳам ҳимояланмаган.

Бугун эпидемиологик вазият юмшагандек бўлса-да, бутун дунёда унинг қайтиш тўлкини хавфи ҳам йўқ эмас. Вазият сабаб ҳатто мусулмон оламининг кўнгиллар интилувчи, дийдори ошиштирувчи Маккаи муқаррамга зиёратлар ҳам чегараланди. Шунинг ўзи ҳам хавф кўламини белгилаб беради.



Аёл жасорати, унинг оқилона чоралари, тартиб ва интизом, қоидаларга амал қилиш фазилати, ён-атрофидагиларга меҳрибонлик билан ёндашуви, унинг қанчалар шафқатли бўлмасин халқи, оиласи, фарзандлари бошига иш тушганда қатъий ва мустаҳкам қарорлар қабул қилиб, жипслаша олиши бугунги ша-

роитда қўл келмоқда.

Пандемия даврида биз аёллар қуйидагиларни янада чуқурроқ англамоқдамиз:

– Мураккаб вазиятда оддий соғлом турмуш тарзига ва карантин тартибига риоя этиш билан инсон ўзини ҳалокатдан асраб қолиши мумкинлигини тушундик;

– Биз оддий, кичик, маиший, глобал бўлмаган деб баҳолаган омиллари-миз аслида, умуммиллат ва умуминсоният саломатлигини сақлашда катта роль ўйнашини англадик! Биз қаерда яшамайлик бир-биримизга боғлиқлигимизни, бутун инсоният ўзаро кўринмас ришталар билан боғлиқ эканини ҳис этдик!

– Қўтилмаган ўзгаришларни, янгилиш ва зарбларни қабул қилишдан қўрқмасликни ўргандик!

– Оила даромадини оширишнинг янги шароитдаги йўлларини топишни ўргандик!

– Биз ОНАлар, АЁЛлар вирусдан хабарсиз, ўз хаёлида ўйинчоқ ўйнашни, мультфильм кўришни орзу қилиб турган болажонларимиз, эндигина барқ уриб ҳаётга кириб келаётган фарзандларимизнинг келажоғи учун ўз куч ва салоҳиятимизни сафарбар қилишимиз шартлигини яна бир бор ёдга олдик!

– Болаларимизга Яратганнинг ўзи берган жисму жонни, соғлиқни, она-табиатни, она сайёрамизни асраш ИН-СОНнинг вазифаси эканини ўқирдик!

Мен ишонаман, Яратганнинг ўзи аёл зотиغا берган энг кучли фазилатларимизни, дуоларимизни, куч ва ғайратимизни шу кунлардан эсон-омон ўтиб олишга сарфлаб, синовни енгиб байрамли кунларга етажамиз!

Элмира БОСИТХОНОВА,
Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари, сенатор.

BIZGA KORRUPSIYASIZ JAMIYAT KERAK!



Афсуски, бугунги кунда жиноятчиликнинг турли хил кўринишлари мавжуд, хусусан "коррупция", "коррупционер", "порахўрлик" шулар жумласидан. Албатта, улар жамиятни ортага сураётган, миллионлаб инсонлар ҳаётини хавф остида қолдираётган жиноятчиликнинг энг олий кўринишидир.

Коррупция деганда, кўпчиликнинг кўз олдида "пора олиш" ва "пора бериш", умуман олганда, порахўрлик тушунилади. Аммо коррупция ҳар бир қадамда, ҳар бир соҳада учраши мумкин. Бу эса қадимдан маълум. Тарихий асарларимизда коррупцияга қарши курашиш бўйича маълумотлар жуда кўп! Айрим подшоҳлар, хону беклар ўз даврида давлатни коррупциядан ҳоли қилиш мақсадида турли тадбирлар ўйлаб топилган. Узоқдан эмас, ўзимизнинг бошларимиздан мисол келтирадиган бўлсак, Ялангтўш Баҳодир (Ялангтўшбий) доно ва тadbирли хукмдор бўлган. Манбаларда у ҳақда турли ҳикоялар

мавжуд. Тарихий манбаларда айтилишича, шундай инсон туну-кун дарвешлар қалпоғи яъни қулоҳ кийиб юрар экан. Уша пайтларда бозор айланиши хуш кўрувчи ҳоким Ялангтўшбийни оддий фуқародан ажратиб бўлмаган экан. Чунки эгнидаги либоси эл қатори бўлиб, у халқ билан бемалол мулоқот қила олган.

"Бир куни у кишига ҳамроҳ газначи ва бир навкар гавжум жойда ҳокимнинг қаландар қулоҳини қора қилиб эргашиб борар эди. Мавсум боши бўлгани учунми, ҳоким қовун сотаётган бир деҳқон йигитнинг олдида тўхтабди. Чоғроқ қовунлардан қўлига

олиб, шапатилаб-шапатилаб кўриб, икки донасини ажратибди. Нарҳини сўраб, савдолашибди. Нарх бичилгач, ҳоким белбоғига илинган ҳамённи пайпасласа, ҳамён бўш эмиш... Ҳоким буни кузатиб турган деҳқонга жилмайибди-да, ёнида эргашиб юрган газначига юзланиб, "Ғазнадаги маошимдан

ҳоким борми?" деб сўрабди. Ғазначи қўлини кўксига қўйган ҳолда икки букилиб: "Ғазна сизнинг ихтиёрингизда, тақсир" дебди. Ялангтўшбий қошини чимириб, унга қаттиқ тикилганча: "Ғазна билан менинг маошимни адаштирманг!" дебди. Ғазначи гапни тушуниб, "ҳақингиз йўқ" деган ишора берибди-да, мулзам бўлганча, бир қадам тисланиб, жим тураверибди.

Баҳодир Ялангтўш бошидаги қулоҳини авайлаб ечиб, деҳқон йигитга узатибди-да "Шу қулоҳга айирган қовунларимни берасанми?" дебди. Деҳқон қулоҳни қўлига олиб, кўздан кечиргач: "Жуда эски экан-да, тақсир", дебди. Савдога гувоҳ бўлиб турган навкар ҳокимнинг орқасидан туриб, деҳқонга имо-ишора қилар, гоҳ бош бармоғи билан қароргоҳ томонни кўрсатар, гоҳ чопон ёқасини очиб, тўшини яланг қилар эди. Ниҳоят деҳқон қаршисида Са марқанд ҳокими Баҳодир Ялангтўш турганини фаҳмлайди. "Тақсир, Баҳодир Ялангтўшнинг қулоҳи биз учун табаррук", дея кўзига суртиб, кўнжига тикибди, ердан қовунларни олиб, ҳокимнинг қўлига тутқазибди...".

Бундан англаш мумкинки, Баҳодир Ялангтўш ҳоким бўлса-да, оддий деҳқоннинг қовунини текинга олишни, унинг ҳақига, болаларининг ризига хиёнат қилишни истамаян.

Бугун жамиятни юқорида келтирилган шу каби мисоллардан хулоса қилган ҳолда коррупциядан "тозалаш" керак! Президентимиз ўз ваколатига киришиши билан Давлат раҳбари сифатида имзо чеккан энг биринчи қонун ҳам "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни бўлди. Давлатимиз

раҳбари ушбу иллатга барҳам бериш мақсадида, 2019 йил 27 май куни иккинчи маротаба "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонни имзолади. Ҳозирда тегишли идоралар томонидан ушбу қонунлар ижроси таъминланмоқда ҳамда белгиланган вазифалар бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

"Жамиятимизда коррупция, турли жиноятларни содир этиш ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатларига қарши курашиш, уларга йўл қўймаслик, жиноятга жазо, албатта, муқаррар экани тўғрисидаги қонун талабларини амалда таъминлаш бўйича қатъий чоралар кўришимиз зарур", – дейди давлатимиз раҳбари. Ҳақиқатан, жиноятга жазо, албатта муқаррар бўлганидек, коррупция, порахўрликка ҳам жазо қатъий бўлиши лозим. Коррупцияга бефарқ бўлишимиз, ўзимиз, халқимиз, юртимиз учун фожиа ҳисобланади. Келажак авлоднинг коррупциясиз ҳаётда яшашларини таъминлаш бизнинг бурчимиз! Зеро, барчага коррупциясиз ҳаёт керак! Фарзандларимиз "пора олиш" ва "пора бериш", "порахўрлик", "коррупция" каби жамият ривожига хавф солувчи ҳар қандай иллат ҳақида тушунчага эга бўлишлари, энг муҳими, бу иллатни таг томири билан қўприб ташлаш қўлимизда эканлигини билишлари лозим. Бу эса тарбия орқали амалга оширилади. Берган яхши тарбиямиз билан уларнинг ҳаётини янада ёрқин ва ёруғ қилган бўламиз!

Шерали ДЖАНИМОВ,
Тошкент шаҳар статистика бошқармаси
Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий комиссияси раиси

Фарзандларимиз "пора олиш" ва "пора бериш", "порахўрлик", "коррупция" каби жамият ривожига хавф солувчи ҳар қандай иллат ҳақида тушунчага эга бўлишлари, энг муҳими, бу иллатни таг томири билан қўприб ташлаш қўлимизда эканлигини билишлари лозим. Бу эса тарбия орқали амалга оширилади.

Коррупция сўзи адабиётларда ҳар хил талқин қилинади. Ҳатто халқаро ташкилотларнинг тавсияларида ҳам унга турлича таъриф берилган. Масалан, БМТнинг коррупцияга қарши кураш конвенциясида "Коррупция – бу шахсий наф кўриш мақсадида давлат ҳокимиятини суиистеъмол қилишдир" дея таъкидланган.

Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида" ги қонунини келтирилган таърифга кўра, коррупция шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан манфаатларини ёхуд яқин қариндошларининг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек, бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этишидир.



Коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш мақсадида Сурхондарё вилоят статистика бошқармасининг 2016 йил 28 январдаги 6-сонли буйруғи билан идоравий комиссиянинг фаолияти йўлга қўйилган. Комиссия томонидан "Унутманг, коррупциядан ҳар биримиз жабр кўраемиз!", "Коррупция барқарор ривожланиш учун тўсиқ", "Сиз коррупцияни тўхтата olasiz!" сингари мавзуларда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Статистика бўлимига ташриф буюрувчи мижозлар, тadbиркорлар ва турли соҳа вакиллари учун идорада ушбу мавзуга оид кўргазмали тарғибот воситалари мавжуд бўлиб, улар билан тушунтириш ишлари мунтазам ўтказиб борилади.

М. МҮМИНҚУЛОВА,
Термиз шаҳар статистика бўлими
етақчи мутахассиси.

Ona tilimizni "KALTAKLAR" ostida

qoldirolmaymiz!

Россия Ташқи ишлар вазирлигининг расмий вакили Мария Захарованинг "Ўзбекистонда иш юритиш жараёнларида рус тилидан фойдаланиш республика фуқароларининг манфаатларига мос келади", дея Ўзбекистонда рус тили билан боғлиқ вазиятга изоҳ берганлигидан кўпчилигимизнинг хабаримиз бор. Бу хонимнинг тилидан "енгилгина" чиққан сўзлар қалбда она тилимизга ҳурмати беқиёс ҳар бир ватандошимизни сергак торттирган бўлса, ажабмас.

Она тилимиз ҳақида сўз борар экан, унинг "аср зарба"ларини тотган ўтмишдаги залворли йўли, қон кечиби ва жондан кечиби эришилган ўзбек тилининг бугунги кундаги нуфузи ва ҳозирги саяҳатларимизга боғлиқ эртанги ҳолати ҳақидаги ўйлар манамен деган ўзбек фарзандининг дилида томир ёйгани, шубҳасиз. Кимлар учундир, шунчаки мулоқот тили деб қараладиган, кимларгадир маънавий бойлик сифатида қадриқимматга эга она тилимизнинг бугунги ҳолатини Захарованинг сўзлари исботлаб тургандай эмасми, сизнингча?! Аслида унинг Россия минбаридан янраган нутқи бизга она тилимиз мавқеини унутиб қўяётганимиз учун "эслатма" сифатида айтилгандай. Ўзбекистон давлат ташкилотларида фаолият олиб бораётган баъзи ўзбек тилини билмайдиган "олтин бошлар"нинг асл башарасини кўзгуга солётгандай, гўё. Бу ҳол "даррахтнинг учи шамол бўлмаса қимирламаслигидан нишона" аслида. Тўғри, юртимизда бошқа тилларга менсимай қараш қонун билан тақиқланган, биз турли миллат вакиллариининг аҳил-иноқ яшаши тарафдоримиз. Бироқ бу дегани ўзга тилни кўкларга кўтару ўз тилингни ўзгалар оёқости қилсаларда индамай туравер, дегани эмас.

"Қолдирилган изоҳларнинг аксарияти шуни кўрсатадики, рус тилининг расмий тартибда сақланиши тарих руҳи ва муносабатларимизнинг замонавий сифати, асосийси – Россияда ўқиш ёки ишлашни танлайдиган фуқароларнинг манфаатларига тўла мос келади" деган нутқи давомида Захарова. Эътибор беринг, "рус тилининг расмий тартиб-



да сақланиши" дейилган, демек биз расмий ҳужжатлар ва ҳоқазоларни ўзбек тилида эмас, рус тилида юритишда давом этишимиз керак экан. Бу сўзларни "тепадаги рус тилини "қалпоқ қилиб қўядиган", рус тилида гапиришни авторитет деб биладиган, ўзбек тилида гапиришга ор қиладиган" баъзи мансабдорлар ички қарсақлар билан энгил ҳазм қилгани, шубҳасиз, албатта. "...фуқароларнинг манфаатларига

миллий гуруримизга ҳам мос келмайди..! Ўз нутқини оммавий ахборот воситаларида юзага келган мунозаралар билан исботлаган Захаровага айтар сўзимиз шу: "Тўрт-бешта оёғи ердан узилганнинг бутун Ўзбекистон номидан жавоб беришга ҳаққи йўқ!"

Мустақилликдан сўнг ҳам йиллар давомида ҳужжатларнинг асли рус тилида эълон қилингани, кейинчалик ўзбек тилига ўғирилгани, ҳатто ўғирилмай, рус тилидалигича қолиб кетганларига кўз юмиб келдик. Кимдир Захарова минбарда қандай мардонвор туриб, она тилимизга яширин "хужум қилган" бўлса, шундай кўрқмасдан "Ўзбек тилининг қадри қаерда қолди? Қачон қарамлик давридан қолган ҳужжатларни рус тилида расмийлаштириш "анъанаси"дан воз кечамиз" деб очик-ойдин айта олдимиз?! Ҳеч ким... Биз 21 октябрнигина қарсақларга кўмилган кун сифатида нишонлашдан чарчамадик, "тадбир ўтказилдими, ўтказилди" қабилида иш қўриб, ғоғоз тўлдириш, баёнот учун расм тушиш доимий одатимизга айланди. Хўш, она тилимизга туширилган "тарсаки"дан кейин ҳам шу кетишда кетаверамизми? Сайлов

“ Хўш, она тилимизга туширилган "тарсаки"дан кейин ҳам шу кетишда кетаверамизми? Сайлов кунлари кўкрак керган депутатлар қани? Она тили ҳақида қайғуришни энди бошлашяпти, шундаям бу муаммо бармоқ билан санарлсисинг хаёлидан ўтяпти, холос. Қолгани ҳаляям уйқуда! ”

тўла мос келади" эмиш... Қачонча ўзимизни ўйлаймиз, қачон ўз манфаатларимиз учун хоинлик қилишга нуқта қўямиз, қачон ўз чегараларимиздан нарэғини ҳам кўра бошлаймиз?! Нимага асосланиб, бу сўзлар айтилди билмадигу лекин давлат ишларида расмий сақлаб қолиниши бир-икки олифтадан ташқари, фуқаролар манфаатига ҳам,

кунлари кўкрак керган депутатлар қани? Она тили ҳақида қайғуришни энди бошлашяпти, шундаям бу муаммо бармоқ билан санарлсисинг хаёлидан ўтяпти, холос. Қолгани ҳаляям уйқуда!

Қонун лойиҳасига қўйилган "Давлат органлари ва ташкилотларида иш юритишда давлат тили ҳақидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этмаслик, мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 бараваридан 5 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши" ҳақидаги модда қачон кучга қиради? Аждодларимиз жонидан кечиби ҳимоя қилган ўзбек тилини менсимайдиган "ўзичалар"га бу жарима миқдори ҳам кам, аслида.

Хўп, "балиқ бошидан сасиган экан", биз "уни думидан тозалайлик". Она тилимизда гапириш биз учун фахр, ўз тилимизга эғалигимиз ифтихор намунаси бўлсин. Бошқа тилларни ўрганайлик, дунё ҳамжамияти билан тенгма-тенг рақобат қилайлик, дунё ёшлари билан ҳамфирк бўлайлик, бироқ она тилимиз ҳам эътиборга лойиқ эканлигини, уни асрашимиз "керак" эмас, "шарт!" эканлигини унутмайлик. Ҳамага таниш ҳолатдир бу: кимнингдир ёнига русийзабон инсон келиб, нимадир сўраса, агар рус тилини билмаслиги учун тушунтириб беролмаса, уятдан юзи қизаради. Нера? рус тилини билмаганлиги учун... Шуну ўзбек тилида тушунтирсак кимдир бизга нимадир дейдими? Ёки бирор русдан нимандир ўзбекча сўрасангиз, сизга ўзбек тилида жавоб қайтарганини кўрганмисиз? Улар ўз тилида гапиради, ўз тилида сўрайди, ўз тилида жавоб беради... Биз-чи..! Ўнга ўзбек гаплашиб турса, ёнига битта рус келса, ҳамма ўзбек билса-билмаса русча гапиришни бошлайди. Бу она тилимизга ҳурматсизлик эмасми? Ўзганинг онасини менинг онам деб кўкрак кериш билан тенг эмасми?

Қачонки, аждодларимиз бизга мерос қолдирган она тилимизни эъозласак, давлат тилини "калтақлар" остида қолдирмасак, ўзбек тилининг макomini кўкларга кўтарсак, дунё бизни ўзбек, дея эътироф этади. Йўқса, туркий тил – ўзбек тилини бандан рутбага кўтарган Алишер Навоий бизнинг заминда ижод этганини, ўзбек тилининг ҳурлиги йўлида жон берган Қодирини, Чўлпон, Фитратлар ўзбек фарзанди экани сояда қолиб кетаверади.

**Маҳфуза ПЎЛТАОВА,
Навоий вилояти**

АЙДОДЛАРГА MUNOSIB BO'LAYLIK



Жамоамиз билан адиблар хиёбони ва Тошкент музейида бўлдик. Таъсирландим, шу халқнинг, шу миллатнинг фарзанди эканлигимдан фахрландим! Адиблар хиёбонида ўзларининг улкан адабий ме-

си билан миллат маънавиятига ва маданиятига, умрбоқий тарихи ва адабиётига ҳисса қўшган адибларимиз ҳайкаллари қад кўтарган.

Бизнинг университетимиз атоқли публицист, адабий танқидчи, олим

Озод Шарофиддинов номини ва адабий меросини абадийлаштириш устида иш олиб бормоқда. Озод Шарофиддинов нафақат публицист, олим балки ўзбек тилининг ҳақиқий жонқуярларидан бири эди. Озод Шарофиддиновнинг қаламида она тилимиз хазинасидаги ҳар бир сўз янгидан янги имкониятларни намоян қилади, фалсафий мазмун ва моҳият касб этади. Шуларни талабаларга етказиш, ёшлар орасида адабиётга, журналистика ва публицистикага қизиқиш уйғотиш мақсадида университет Озод Шарофиддинов ҳаёти ва ижодини акс эттирадиган музей ташкил қилиш, улуг инсон ҳақида ҳужжатли видео интервьюлар тайёрлаш, талабалар ва ёш олимлар орасида турли танлов ва лойиҳалар ўтказиш каби ишларни ташкил этиш режамизда бор.

Ташриф давмида Адиблар хиёбони ёнидаги Тошкент музейида ҳам бўлдик. Музей XIX аср охири ва XX

аср бошларида ижтимоий-маданий ҳаёт ҳақида сўзлайди. Хуллас, бугун жуда таъсирландим. Фарзандларимни Адиблар хиёбонида олиб бориш ва уларни қандай аждодларнинг авлодлари эканлигини билдириш оналик бурчим эканлигини ҳис қилдим. Менда адабиёт ва санъатга бўлган меҳр онамдан ўтган, онам гарчи математик бўлсаларда бизга болалигимизданок юзлаб шеър, асарлар ёд олдириган. Бадиий китоблар ўқиб беришдан ҳеч ҳам эринмаган. Илмга бўлган меҳрим эса дадамдан ўтган. Мен онамдан миннатдорман! Демократикманки, ота-она сифатида ҳар биримиз фарзандларимизга буюк тарихимизни, аждодлар меросини ўргатишга масъулмиз! Боринг, кўринг, фахрланинг, ҳис қилинг ва муносив бўлинг!

**Шаҳноза ТАЙЛАКОВА,
ЎЗЖОКУ "Рақамли медиа ва интернет журналистикаси" кафедре мудири.**

МЕНР – НАҲОТИМИЗ УСТУНИ

Бувим худони куни борки, йўл қарайди, кўзлари тўрт бўлиб, кенжа ўғлини кутади. Кута-кута толиққач, чуқур хўрсинади, кўзларида шашқатор ёш тизилади, довулда қолган чинордек бошини оғир тебратган кўйи бўғиқ овозда одатдаги газални ўқийди:

*Меҳр кўп кўргуздум, аммо меҳрибоне топмадим,
Жон баса қилдим фидо оромижоне топмадим.*

Бувимнинг дарду аламга тўла бу оҳангдор ҳасрати менга ёд бўлиб кетган бўлса-да, маъносини у қадар англаёлмайман.

– Бувижон, меҳр нима, – дея сўрайман.

Бувим тагин чуқур хўрсинади. Кўз олдидан етимликда кечган азоб-уқубатли онлари бирма-бир тизилиб ўтади.

– Эҳ болам, меҳр анқонинг уруғи, – дейди у кейин бошимни силаб. Бу унинг салкам саксон йиллик умридан чиқарган хулосаси.

Ўшанда мен 5-6 ёшли қизалоқ бўлганман. Орадан 30 йилдан ортиқ вақт ўтди. Ана шу муддат оралиғида мен меҳр аталмиш туйғу бувим айтганидек, анқонинг уруғи эмас, ҳаётимизнинг устунни эканлигини англадим. Бунга кўп бор гувоҳ бўлдим. Айниқса, яқиндагина билганим – бир воқеа мени ниҳоятда таъсирлантирди.

Чамаси 50-55 ёшлар атрофидаги бу аёл билан ишхонада ҳар куни кўришсам-да, у қадар яқин эмасдим. Муносабатимиз салом-алиқдан нарига ўтмаган. Бошқалардан эшитиб-билганларимга кўра, мен уни узоқ йиллар раҳбарлик лавозимларида ишлаган, катта тажрибага эга, қаттиққўл ва димоғдор бир аёл сифатида билардим. Бир куни бу аёл анчадан бери фарзанд кўрмаётган ҳамкасбимга маслаҳат бериб қолди: қизим, сиз бола асраб олинг. Етимнинг бошини силаш савоб. Ажри учун Оллоҳ ўзингизга ҳам фарзанд берса, ажабмас.

– Эҳ, барибир бировнинг боласи-да, – деди дугонам унинг маслаҳатига жавобан.

– Ундай деманг, боланинг бегонаси бўлмайди. Астойдил меҳр берсангиз, ўз жигарбандингиздек бўлиб қолади. Ишонинг, бошимдан ўтган. Мен ҳам бола асраб олганман.

– Йўғ-е? Ўзингизнинг фарзандингиз йўқмиди?

– Борликка бор. Худого шукр, 3 нафар қизим бор, кичиги ҳам олийгоҳни тугатай деб қолди. Бироқ, негадир шу болани асраб олгим келганди. Бунга анча бўлди. Ҳозир ўғлим 10 ёшда. Аёлнинг кўзларида меҳр ёлқини жилваланди. – Илоҳо умри узоқ бўлсин, уйимизни, кўнглимизни тўлдириб юради. Опаларининг, дадасининг эркатойи. Мендан-ку бир зум ҳам айрилгиси келмайди,

ўйладим. Бироқ аёлнинг ота-онаси ҳам, ака-укалари ҳам гапларимни эшитишни исташмади. “Бизнинг бунақанги фарзандимиз йўқ. Ундан аллақачон воз кечганмиз” дейишди. Бир томондан улар ҳақ. Ота-онасининг юзини шувут қилиб, бошини ҳам қилган энгилтак аёлдан нафратланиб кетдим. Бироқ, норасида гўдақларда нима

меҳрим жўшиб кетди. Узоқ йўл юриқ, аммо боладан бир зум ҳам кўз узмадим, уни маҳкам бағримга босиб олгандим. Бегона юртларда анча-мунча азоб-уқубатларни бошидан кечирган бу гўдақлар меҳрга ниҳоятда ташна эди. Уларни меҳрибонлик уйига топшира олмадим. Қизалоқни яхши бир оила тарбиясига бердим, болакайни эса ўзим асраб

салар гўдақларни ташландик матоҳдек ташлаб кетаверадилар?

Анча вақт ўтиб ўша аёл мени излаб келди. Оналик меҳри тортиб боласини кўргани келдимикин, деган ҳаёлда, тўғриси, кўркувга тушдим. Ҳозир ўғлини сўраб қолади, деб кўз олдидан қоронғилашиб кетди. Бироқ у мендан ўғлини эмас, пул талаб қилди. Елкамдан тоғ ағдарилгандек бўлди, кўшқўллаб сўраган пулини чиқариб бердим. Аммо бу аёлнинг шу қадар қабихлиги, фарзандини ҳатто кўришга ҳам қизиқмагани мени нафратлантириб юборди. Бу тупроқ шунақанги нокас, тубан кимсаларни ҳам кўтариб юрганига афсусландим. Таъмагир аёл тагин бир неча бор келди. Бироқ, унга фарзанди керак эмаслигини англаганим учун ҳам “Менда пул йўқ, майли ўғлингни олиб кетақол” дедим.

Шундан сўнг бошқа қорасини кўрсатмади, фарзандларини ҳам суриштирмади. Аммо икки йилча илгари орқаваротдан қизини суриштирганини эшитдим, уни олиб кетишга кўп уринди. Бироқ бу маънан бузуқ, энгилтак онага нега энди бирдан қизи керак бўлиб қолганини билишгани учун ҳам унинг қаердалигини ҳеч ким айтишни истамасди. Бир нарса чиқаролмаслигини билгач, аёл яна ортига қайтиб кетди.

Ҳозир ўғлим 4-синфда ўқияпти, ўқишлари аъло. Унинг келажагини умидим катта. Худо хоҳласа, кекса-лигимизда отаси билан менга мустақкам суянч бўлади, жамиятда ўз ўрнига эга инсон бўлади ҳали.

Аёл шу ерда ҳикоясини якунлади. Мен унинг таниш қиёфасида тамоман ўзга инсонни – қалби меҳрга лиммоли Она қиёфасини кашф этдим. Ундан эшитганларимни газетага беришни айтганимда аёл унамади.

– Мен бу ҳаётда фақат бир нарсдан – бир кун келиб ўғлим меннинг ўз туққан онаси эмаслигини билишидан кўрқаман, – деди у. – Бу нарса мен учун ҳеч нарсани ўзгартрмайди, уни аввалгидан ҳам кучлироқ яхши кўравераман. Бироқ ўғлимнинг муносабати ўзгариши мумкинлигини ўйласам...

Шу боис ҳам аёлнинг шахсини сир тутушни лозим топдим. Бироқ бир нарсани ошкор айтаман, ана шу сингари қалби қуёшмонанд аёллар, меҳрли инсонлар бор экан, Меҳр ҳаётнинг абадий устунлиги бўлиб қолаверади. Шубҳасиз, бувим ҳам бунга иқдор бўлган бўларди.

Ирода ОРИПОВА,
Бухоро вилояти.



қаерга борсам, нуқул орқамдан эргашади. Кап-катта йигит бўлибди ҳамки, ҳали ҳануз ухлаганда, қўлимни қучоқлаб ётади. Бунинг нақадар тоғли, ҳузурбахш эканлигини билсангиз эди. Унинг бошқа она дунёга келтирганига энди ўзимнинг ҳам ишонгим келмайди, ишонини истамайман ҳам. У фақат менинг ўғлим, менинг жигаргўшам...

Кимдир чақириб қолди, аёл сўзини шу ерда тугатиб, чиқиб кетди. Бироқ қалбимни тўлқинлантириб юборган охириги гаплари ҳеч қулоғимдан нари кетмади. У билан яқин бўлиш, суҳбатлашиш, айниқса, кенжатайи ҳақида сўраб-билиш иштиёқи мени сира тинч қўймади. Ниҳоят шундай фурсат туғилди.

– У пайтлари мен шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси бўлиб ишлардим, – дея ҳикоясини бошлади аёл. Бир куни менга прокуратурадан кўнгирик қилишди, Россиядаги меҳрибонлик уйидан 2 нафар болани олиб келишганини, уларни бирор оила васийлигига бериш ёки меҳрибонлик уйига жойлаштириш кераклигини айтишди. Болаларнинг онаси шу шаҳарлик бўлиб, бир неча йиллар аввал чет элга чиқиб кетган аёллар рўйхатида турарди. Мен дарров унинг қариндошларини излашга киришдим. Болаларни меҳрибонлик уйига топширгандан кўра, ўз қариндошлари асраб олишгани яхши, деб

“
Уларни меҳрибонлик уйига топшира олмадим. Қизалоқни яхши бир оила тарбиясига бердим, болакайни эса ўзим асраб олдим. Уни олиб келган куним уйимизда байрам бўлди. Қизларимнинг қувончини кўрсангиз эди. Чақалоққа исм қўйгандек, ҳаммамиз унга исм танладик.

айб? Наҳотки, онасининг қилмишлари учун улар товон тўлаша?

Болалар билан кўришгач, қалбимдаги нафрат ва ачиниш туйғуси минг чандон кучайди. 11-12 ёшлардаги хушрўйгина қизалоқ ва ҳали 3 ёшга ҳам кирмаган ширингина болакай. Уларнинг маънос кўзлари ҳар қандай тош юракни эритиб юборгудай кишига жавдираб тикилади. Гўёки сендан паноҳ излаётгандек. Болакайни кучоғимга олиб, машинага ўтирдим, қизалоқ ёнимга жойлашди. Боланинг иссиқ нафаси, жажжи қўлчаларининг тафтини ҳис қилганим ҳамон

Nimani istaysan, Bolajon ?!



Бу синовли карантин кунларида жажжи болажонлар ҳаммадан кўп зерикани рост. Байрам яқин экан уларнинг ўзига хос истак ва хоҳишлари кўп бўлиши табиий. Уларнинг хоҳишлари билан ўртоқлашиш мақсадида ўзим таниган зийрак болажонларни суҳбатга тортдим.

Дилрабо (5-синф). Шўхлиги ва шаддодлиги, ҳаммаша дадасига айтганини қилдира олиши билан мультфильм қаҳрамони Маша лақабини олган. Шунга қарамай, унинг ўзига хос



масъулияти кўзни қувонтиради, қизиқувчанлиги билан бошқа тенгдошларидан ажралиб туради. Сўраб билайлик-чи, у байрамда нималарни истар экан.

– Синфдошларим, устозларим ва мактабимни жуда соғиндим. Карантинда ўқитувчим берган вазифаларни ҳаммасини бажардим, лекин барибир уларни синфхонада синфдошларим орасида бажариш мароқлироқ



бўларди. Қанийди мактабга бориб, ўқитувчим ва синфдошларим билан яна дарс ўтсак.

Саиджалолхон (Самарқанддан, 3-синф) ажойиб хислатларга эга болакай, ўзининг киришимлилиги, гапга усталиги билан ўртоқларидан ажралиб туради. Унинг хаёлотли кенг, уйда ёлғиз ўзи бўлса ҳам қизиқарли ўйинлар ўйнаб, янги қаҳрамонлар ярата олади. Математика фанига, айниқса, ментал арифметикасига қизиқади, уй вазифаларини тайёрлашда ойисининг ёрдамига ҳеч ҳам муҳтож бўлмаган бу қаҳрамонимиз болалар кунда нима хоҳлашини айтиди.

– Бу кун ҳар доим дадамнинг ўзлари котлетли таом қилиб берар эдилар. Ширинликлар ва ўзимиз истаган ўйинчоқни олиб беришар эди. Менга ширинликлар ҳам, ўйинчоқлар ҳам, керак эмас, дадам уйга келишларини (унинг дадаси шахар поликленикасида врач бўлиб ишлайди ва уйга келмаганига бир ойдан ошган) мен билан ўйнашларинигина истайман. Дадамни жуда соғиндик...


Эъзозахон (2-синф) исмли бу қизалоқ, уйдагиларининг эркатойи. Кичиклигидан ҳамма ишни мустақил қилишни яхши кўрадиган Эъзоза ҳозир ойисига ёрдамчи. У расм чизишга жуда қизиқади, хонасининг деворларига илинган суратларнинг аксарияти, чиройли кўйлақлар кийган қизалоқлар.



Билишимизча, у кўйлақларни яхши кўради ва ҳар куни 3-4 мартаба кийим алмаштиради (уйда ўтирган бўлса ҳам). Унинг байрамга истаётган нарсаси ҳам чиройли кўйлақ бўлса ажаб эмас:

– Ойимни айтишларича, мен анча катта қиз бўлиб қолибман. Карантинда опам билан уй ишларида ойижонимга ёрдамлашдик, мазали овқатлар, ширинликлар пиширдик. Яна жуда кўп расмлар чиздим. Чизган кўйлақларимдек кийимлар кийиб кўргим келаяпти. Ҳали кийим-кечак бозорлари очилса, ойим билан кўйлақлар олиш учун борамиз. Янги кўйлақ олишни жудаям истаяпман, тезроқ бозорлар очилса эди...

Бобуржон (2-синф) укаси туғилган эркатойликни унга бериб ўзи масъулиятли ака бўлди. Дарсларини доим ўз вақтида қилишга одатланган болакай, опасидан уй вазифаларини қилишида



ёрдэм олиб туради. Саргузашт мультфильмлар ва сеҳрли эртақлар жон-у дили. Унинг болалар кунда нималар хоҳлаши қизиқ:

– Коронавирусни тезроқ кетишини хоҳлайман. Вирус кетгандан кейин биз қишлоққа (Самарқандга) бувижонимни ёнларига борар эканмиз. Уларни жуда соғиниб кетдим, улар менга ширмови нонлар ёпиб беради, қизиқ эртақлар айтиб берадилар. Қишлоқ мазза, у ерда ўртоқларим ҳам жуда кўп, улар билан мол-кўйларни боққани бораман, варрак учуриб, ажойиб ўйинлар ўйнаймиз.

Дилфуза (Тошкент вилояти 4-синф) карантин давомида ойисининг дастёрига айланган бу қизалоқ уй ишларини бажариб, уйдагиларидан мақтов эшитишни хуш кўради. Қизиқилари жуда кўп, айниқса, саргузашт эртақлар жону дили. Укаси Абдулазиз ҳам опасининг эртақ ўқишини ёқтиради, диққат билан тинглаб, опасини саволларга кўмиб ташлайди, байрамда Дилфузанинг нима исташи, нафақат бизга, балки ота-онасига ҳам жуда қизиқ:

– Мен карантинда дадам олиб берган ҳамма эртақ китобларни ўқиб чиқдим. Менга эртақ қаҳрамонларининг охирида мурод-мақсадалрига етиши-

ши ёқади, шунинг учун ҳам охириги варақларини ўқиётганимда хурсанд бўлиб кетаман. Уларни укамга айтиб бераётганимда ҳам ўзимни худди ўша



қаҳрамонлардек тутаман. Истардимки, китоб дўконлари тезроқ очилса-ю дадажоним бизга кўпроқ эртақ китоблар олиб келсалар.

Саидхборхон (Самарқанддан, 5 ёш). Тили чиққандан бери дадаси билан аясини бошини қотирадиган бижилдоқ болакай, тиниб-тинчимаслилиги билан акаларидан фарқ қилади. Кўшиқ айтишни жуда ҳам яхши кўради. Телевизордаги барча рекламаларни ёдлаб олган. Клипларни-ку айтмас ҳам бўлади. Жажжи "санъаткор"имизнинг карантин даврида ижоди янаям гуркиради. Ёд олган кўшиқлари кўпайгандан кўпайди. Ҳеч уйда ўтирмаган, кўчадан бери келмайдиган болажон, маҳалласидаги ўртоқларини соғинган кўринади:



– Элнур, Жаҳон билан ўйнагим келаяпти, кўчага чиқай...

Васила ҲАБИБУЛЛАЕВА,
"Оила ва жамият" муҳбири.



“Boлам yomon deyolmayман”

Тахририятимизга муштарийларимиздан кўплаб мактублар келади. Кимдир қувончини, кимдир дардини бўлишади. Яна кимдир арзини тинглайдиган дардкаш қидиради. Ана шундай дарддошлар ичида 77 ёшли онахоннинг мактуби барчамизни сергак торттирди. Киши бу ёшда камдан кам ҳолатларда газета ва журналлардан нажот излайди. Афсуски, Нодира ая кексалик гаштини суриш ўрнига бизга юрагида сақлаб юрган изтиробларини ёзибди...

Ҳеч ким болам менга озор берсин, боламдан арз қилай, деб вояга етказмайди. Менам фарзандларимни яхши ният, дунё-дунё орзулар билан ўстириб, кексайган чоғимда кўзимга нур, белимга қувват бўлишини ният қилганман. Афсуски, ундай бўлмади. Аслида бу ҳақда бировга ҳам айтгим келмайди. Ахир она учун “Болам ёмон” деган сўзларни айтиш шунчалар оғирки. Ўзим ҳам бу гапларни айта олмай, ўн йилдан буён ичимда, сақлайман. Охири бўлмади, сабр косам тўлди, бардошим қолмади. Гарчи кўнглим чопмаса-да, айтишга мажбур бўлдим: Зора, менинг ўғлимга ўхшаган фарзандлар биров сергак тортса, кекса ота-оналарини эъзозлаб, қадрига етса...

Келинг, гапни бошидан айта қолай. Бундан ўн йилча аввал, турмуш ўртоғим вафот этганидан сўнг ўзимча бир хаёлга бориб, “ўзи икки-тагина болам бўлса, мен ҳам кексайдим. Шу бор-йўғимиз иккита уйни икки дилбандимга васият қилиб қўйсам, эрта мендан кейин дилхиралликлар бўлмасми?”, деб ўйладим. Шундан сўнг, бир хонали уйни қизимнинг, икки хоналисини ўғлимнинг номига “васиятнома” асосида ҳужжатлаштирдим. Лекин буни қарангки, ўғлим орадан 15 кун ўтмай жанжал қилди:

— Бизга “васиятнома” керак эмас. Бизга “ҳада” қилдириб беринг. Бизга жудааям уй зарур. Сизнинг ўлишингизни кутиб ўтираемизми? — деса бўладими? Негадир юрагимда оғир санчиқ турди. Мана шу кўпол сўзларини эшитсам ҳам эътибор қилмай унинг истагини бажарибман, денг. Бу истакнинг ортидан шунча азоб, изтироб, алам келишини мен бечора қаёқдан билибман? Билганимда уй-жойни тақсимлаб овора ҳам бўлмасдим. Хуллас, ўғлимнинг хоҳишини бажариб, ўзим қизим билан ўша бир хонали уйда яшаб юравердим. Аммо ўша кундан бошлаб бизга ўғлим ва келиним тинчлик бермай қўйди. Нима эмиш, ота-онанинг мол-мулки ўғилники эмиш... Шунчаликка бордик



ки, қулоғимизнинг тинчини ўйлаб, қизим иккимиз бир танишимизнинг уйида ижарада туришга мажбур бўлдик. Бир ярим йил ижарада яшабмиз. Аммо у ерда ҳам тинчлик бўлмади. Ўғлимнинг ҳар куни жанжал қилиб боришидан юрагим зада бўлганди. Охири қаттиқ гапиришга мажбур бўлдим:

— Бу ҳам ўз синглинг-ку! Ёлғизгина қизим бўлса, отанг бўлмаса, қандай қилиб ҳеч нарсасиз қолдираман, буни. Эрта ўлиб кетсам, ҳоли не кечади? Шуларни ўйлаб, унинг ўзига ҳам уй бердим. Ахир сени ўғил деб икки хоналисини, бунга бир хоналисини бердим-ку! — дея йиғлаб, ёлвордим. Йўқ, тушуниш тугул, эшитишни ҳам истамайди. Сурункали жанжаллардан кейин Худонинг раҳми келдими, қизимнинг тўйи бўлди. “Энди қулоғим тинчиса керак”, — дея ўйладим ўзимча. Қаёқда? Ўғлим ва келиним мени бир неча марта безовта қилиб, ўтирган уйимни сотмоқчи бўлди. Мен сўкса ҳам, эшикларимни тепиб жаҳл қилса ҳам индамадим. Тишимни тишимга босдим, лекин уйнинг сотилишига рози бўлмадим. Буни қаранг, фарибгарга айланган ўғлим ва келиним бунинг ҳам йўлини топибди. Қизимнинг олдида бориди:

— Синглим, менинг катта қарзим бор. Тўламасам,

қамаламан. Кейин мени қамокдан чиқариш учун онамнинг уйини сотишга мажбур бўласизлар. Яхши-си, уйни менга беринглр, — дебди. Албатта, бунақа гапга қайси сингил жим қараб туради. Қизим акасининг бошига тушган “ташвиш”ни аритиш учун дарҳол ёрдам беришга киришган. Менга билдирмай, бир хонали уйни сотишибди. Лекин ўғлим уйнинг пулини қарзига эмас, келинимга машина олиб

Унинг ичига “ўлимлигим”га деб пул солиб, йиғиб юрибман. Эрта менга бир нима бўлса, шуни ишлатасизлар. Билиб қўйганингиз яхши деяпман, — дедим яқин олиб. Шундай дея жамғарганим устига яна озроқ қўшиб, ёпиб қўйдим. Орадан вақт ўтиб, яна пул қўшиш мақсадида қарасам, бир тийин ҳам йўқ. Қотиб қолдим. Бирдан келинимга кўрсатганим ёдимга тушиб сўрадим:

— “Ўлимлигим”га деган пу-

лим йўқ. Қаерга кетди экан? — дедим. Келиним бўлса, хотиржам ҳолатда:

— Пул керак бўлганди, ишлатиб қўйдик, — деса бўладими? Мана сизга томоша. Мен не ниятда унга пулларимни кўрсатсам у дарҳол сарфлаган бўлса... Бундай одамлардан нима ҳам кутиш мумкин? Бундан ташқари, ўғлим билан боғлиқ бошимдан жуда аянчли ва даҳшатли воқеалар ҳам ўтдики, уларни тилга олиш тугул эслашни

— Бизга “васиятнома” керак эмас. Бизга “ҳада” қилдириб беринг. Бизга жудааям уй зарур. Сизнинг ўлишингизни кутиб ўтираемизми? — деса бўладими? Негадир юрагимда оғир санчиқ турди. Мана шу кўпол сўзларини эшитсам ҳам эътибор қилмай унинг истагини бажарибман, денг. Бу истакнинг ортидан шунча азоб, изтироб, алам келишини мен бечора қаёқдан билибман? Билганимда уй-жойни тақсимлаб овора ҳам бўлмасдим. Хуллас, ўғлимнинг хоҳишини бажариб, ўзим қизим билан ўша бир хонали уйда яшаб юравердим.

— Бизга “васиятнома” керак эмас. Бизга “ҳада” қилдириб беринг. Бизга жудааям уй зарур. Сизнинг ўлишингизни кутиб ўтираемизми? — деса бўладими? Негадир юрагимда оғир санчиқ турди. Мана шу кўпол сўзларини эшитсам ҳам эътибор қилмай унинг истагини бажарибман, денг. Бу истакнинг ортидан шунча азоб, изтироб, алам келишини мен бечора қаёқдан билибман? Билганимда уй-жойни тақсимлаб овора ҳам бўлмасдим. Хуллас, ўғлимнинг хоҳишини бажариб, ўзим қизим билан ўша бир хонали уйда яшаб юравердим.

— Бизга “васиятнома” керак эмас. Бизга “ҳада” қилдириб беринг. Бизга жудааям уй зарур. Сизнинг ўлишингизни кутиб ўтираемизми? — деса бўладими? Негадир юрагимда оғир санчиқ турди. Мана шу кўпол сўзларини эшитсам ҳам эътибор қилмай унинг истагини бажарибман, денг. Бу истакнинг ортидан шунча азоб, изтироб, алам келишини мен бечора қаёқдан билибман? Билганимда уй-жойни тақсимлаб овора ҳам бўлмасдим. Хуллас, ўғлимнинг хоҳишини бажариб, ўзим қизим билан ўша бир хонали уйда яшаб юравердим.

бўлмадим. Норозилигим ўғлимни менга нисбатан душманга айлантирди. Мени кўрди дегунча дўқ-пўлиса қилар, ҳатто уйкумда ҳам хотиржамлик тополмасдим. Аслида келиним ва ўғлимнинг қалбини шайтон эгаллаб олганини аввалроқ сезганимдан, сергак тортишим лозим экан. Жанжаллар чиқмасдан аввал “ўлимлигим”га дея пул жамғариб юрардим. Бир куни келинимни қизимдек кўриб, қақриб, атай дедим:

— Мана бу қафанлигим.

шади. Мен эса ёлғиз бошим билан кўчада қолишдан кўрқаман. Ўғлим эса зарра бўлса-да мени ўйламайди. Салкам саксонга бориб қолган онасининг соғлиғи учун қайғуриш, ғамхўрлик қилиш ўрнига кўчага қувиб солишга, яшаётган уйини тортиб олишга, бошпанасиз қолдиришга шай. Энг алам қилган, ўғлим ва келиним болаларига “Бувинг ўпка касал, унга яқинлашманглр, юқади. Бирор нима берса ҳам еманглр”, дебди. Бу гаплар менга шунчалар оғир ботдики... Меҳнатларимни оёқости қилган, соғлигимга путур етказган, не-не надоматларга дучор қилган ўғлимнинг бу гапи ҳаммасидан ошиб тушди. Қариганимда шунчалар жафо чекаман деб ўйламагандим. Ўғлимни шу ниятда вояга етказганмидим? Буларни сизларга ёзишимдан мақсад, биров бўлса-да зардобга тўла юрагимни бўшатиш, оналарга сабоқ, ўғилларга дарс бўлишини таъкидлаш, холос.

Ҳеч қачон болаларингизни талтайтирманг. Кўнглига қараманг, дегим келади. Аммо қайси она боласининг айтганини қилмаган эмас! Биз оналар фарзандларимиз учун яшаймиз-ку! Яхши-си, ўғилларга мувожаат қила қолай.

Ўғилларим, бу ўткинчи дунёда асло онангизнинг дилини оғритувчи бўлмагн. Оналар ғанимат. Бугун бўлса, эртага йўқ. У сизларни асло ёмон бўлсин, деб вояга етказган эмас. Кечани кеча, кундузни кундуз демай сизга умрини бахшида қилган, оромини, ҳаловатини, оғзидаги нониғача сизга тутган волидангиздан бир оғиз ширин сўзингизни аяманг.

Ширин гап кимни ўлдирибди? Сўкиш ҳам, ширинсуханлик ҳам бир оғиздан чиқади. Онангизга бир чим-

дим меҳрингиз етади. Шугинани ҳам аяманг. Мен каби зор қақшамасин, дардини кимга айтишни билмай ҳамманинг юзига бир термулмасин. Уларнинг дардига малҳам сизсиз, сизнинг соғлигингиз, сизнинг борлигингиз, тинчингиз катта таскин ва мадад беради. Шу гапларимни асло ёдингиздан чиқарманг. Онангизнинг қадрига етинг, ардоқланг!

Нодира аянинг сўзларини Кумуш оққа кўчирди.

GYOTE OILANI MUQADDAS BILGAN



Немис ёзувчиси Йоханн Волфганг Гётенинг "Ҳамроз диллар" романи қахрамонлари Эдуард ва унинг хотини Шарлотта. Иккиси ҳам ёшлиқда бир-бирларига кўнгли беради ва бойликка эга бўлиш учун ҳам ҳар иккисини ота-онаси бошқа одамлар билан турмуш қуришга мажбур қилишади. Охир-оқибат Шарлотта ҳам, Эдуард ҳам бева қолади ва ёшлиқдаги риштани никоҳ билан бирлаштириб оила қуришади. Ёзувчи Шарлоттани ҳисоб-китобга жуда уста, ақлли, мулоҳазали ва босиқ аёл характерида тасвирлайди.

Эдуард эса ўз кучи ва иродасини кераксиз нарсаларга сарфлайдиган образ. Ёзувчи асарда қахрамонларидан сохта мукамал одам яратишни истамайди. У фақатгина бир нарсани Шарлоттанинг хотиржамлиги ва босиқлиги орқали аёлни улуғламоқчи бўлади. Аммо севги туфайли Шарлотта ҳам бу улуғликка пуртур етказилади. Бу оиланинг хотиржамлиги Эдуарднинг шошқалоқлиги, ҳаддан зиёд кайсарлиги сабабли пароканда бўлади.

Эдуард хотини Шарлоттанинг қаршилигига қарамай ишсиз қолган дўсти Капитанни ўз оиласида яшагача таклиф қилади. Шарлотта ҳам пансионатда тарбияланаётган ёш ва гўзал жияни Оттилияни уйига қақиради. Эр-хотин Капитан билан Оттилияни бир-бирларига кўнгли кўйса айни муддао бўлади деган фикрга келишади. Аммо бевақт эсанг шамол тақдир чархпалагини тамоман тескари томонга айланишга мажбур қилади. Эдуард Оттилияга, Шарлотта эса Капитанга кўнгли кўяди. Эдуард севги туфайли ўзини бошқаролмай қолади, ҳатто оилани эркак эканини ҳам унутади. Шарлотта эса бутун дарду ҳасратини, оташини ичига ютади. Ўқувчи ҳарчанд истамасин

севшиганлар висол онларига етишолмайди ва бу севги ҳалоқат билан яқун топади.

Китобхон ёзувчининг асл мақсади никоҳ ва оила муносабатлари ҳамма нарсадан устунлигини англайди. Шунингдек, у ҳар қандай ёшда бўлмасин "бегона севги" никоҳга мўралаб келса бунинг оқибати ёмон бўлишини эслатиб ўтади. Бунга ёзувчи хаттоки табиат ҳам бефарқ қараб турмаслигини уқтиради. Масалан, Оттилиянинг туғилган кунини нишонлаш тантаналарини Эдуард ҳаддан ортик бўрттириб юборади. Уят, андишани унутиб қўйиб бутун оиладагиларни Оттилиянинг туғилган кунини нишонлашга сафарбар этади. Тантаналар пайтида чала қурилган тўғон қиялигига одамлар

кўп тўпланиши натижасида тўғондан бир палахса ер узилиб, бир қанча одамлар сувга кулаб тушади. Бу талафот орқали ёзувчи севшиганларни огоҳлантирмоқчи бўлади. Аммо улар буни ҳис этишмайди.

Асарда яна бир қахрамон руҳоний Митлер образи тез-тез гавдаланади. Ёзувчи бу образ орқали ўша даврда (1820 йиллар) ҳам эр-хотинлар ўртасидаги ажрим масаласига атрофдагилар жиддий қараганини эслатиб ўтади. Айна Митлернинг сазй-ҳаракатлари туфайли бирорта эр-хотин ажрашиш учун ариза бериб судларни безовта қилмаган. Ажрашиш фикрида юрган Шарлотта билан Эдуардга Митлер шундай дейди:


"...Никоҳ — бу инсоний маданиятнинг ибтидоси ва чўққисидир. У қўпол одамни юмшатади, зиёли одамга эса ўз юмшоқлигини намойиш қилишга имкон яратади. Никоҳ бузилмаслиги керак: чуқки у бахт келтиради, бошқа ҳар қандай майда-чуйда ғам-ташвишлар унинг олдида арзимасдир. Қанақа ғам-ташвиш ҳақида гап бўлиши мумкин? Гоҳи-гоҳида одамда бегоналик кайфияти бўлади, ўзини гўё бахтсиздек ҳисоблайди. Ушандай лаҳзалар ўтиб кетган заҳоти одам ўзини бахтли ҳис эта бошлайди ва ҳамма нарса аввал қандай бўлса, яна аслига қайтади. Ажрашиш учун ҳеч қандай сабабга ўрин қолдирмаслик керак..."

Ёзувчи аналитик бўлган ва ўзи курашган ҳақиқатлардан яна бири ҳақида айтиб ўтсак. Шарлотта билан Эдуард бир марта ажрашган. Ҳаёт

тажрибасидан шуниси аниқки агар бир-бири билан келишолмай юрган эр-хотинларни кимдир тўхтатиб қолмаса иккинчи ҳатто учинчи марта ҳам ажрашишга мойиллик пайдо бўлиши мумкин. Буни алам устида юрган эр-хотинларнинг ўзи сезмайди. Шу сабабли Гёте Эдуард билан Оттилияни ҳалоқ қилиб бу никоҳни севгидан асраб қолган бўлса ажаб эмас.

Замондошларининг фикрича Йоханн ҳаёти даврида севгидан жуда кўрққан экан. Адабиётшунослар ёзувчини юксак муҳаббатни тушуниб етмасликда айблашади. Шу сабабли "Ҳамроз диллар"да севгини ўзига хос тарзда ҳалоқ этган, унинг учун севги қалб кимёси эди, ёқтиришни эса "танланган яқинлик" деб атаган деган фикрларни билдиришган. Сабаби Гёте ҳаёт йўлларида кўп аёлларни севган ва севилган, бироқ улар билан никоҳ орқали боғланиб, оила қуришдан тийилган. Фақатгина Кристиана Вулпиус билан бирга яшаб, фарзандлар орттирган. Чунки у никоҳни виждон билан боғланган ришта деб билган. Акс ҳолда инсонни бир умр нотинч яшагача мажбур қилади деб ҳисоблаган.

Нигора РАҲМОНОВА.



Дунё мўъжизалари ҳақида фикр юритилганда ўз маҳобати билан инсоният ҳайратига сабаб бўлган, ўша даврда тарихий маданият маскани ва-зифасини ўтаган Колизей амфитеатри ҳақида ҳикоя қилиш сўзловчига завқ бағишлайди.

Колизей — жудда катта тарихий хотираларга эга бўлган маскандир. Колизейнинг асл номи — "Флавий амфитеатри", Колизей эса "баҳайбат" деган маънони англатади. Мазкур обида Италиянинг гавҳари бўлмиш — Рим шаҳрида жойлашган.

Колизейнинг яратилиш тарихига эътиборингизни қаратсак, у Рим императори Веспасион томонидан қурила бошланган. Кейинчалик, унинг ўғли император Тит иншоотни куриб битказган. Ушбу иморат Рим меъморчилиги ҳамда муҳандислигининг юксак намунаси ҳисобланади.

Колизейнинг баландлиги 57 метр, айланаси 524 метр. Колизейда ўзингизни коинотнинг энг кичик заррасидек сезасиз ва кўз олдингизда афсонавий гладиаторларнинг қилич уйлатишлари-ю турли ҳайвонларнинг наъралари эшитилаётгандек туюлади.

Колизей ўриндиқлари бугунгидек

сектор ва рақамлар орқали тартибга келтирилган. Томошабинлар келиб чиқишига қараб табақаланган. Колизейнинг энг юқори қаторларида лифт қурилмасини бошқариб турувчи куллар ўтирган. Бундай лифтлар сони 36 тани ташкил этган. Шу сабаб томошабинлар энг юқори қаторларга ҳам бемалол 10 дақиқада чиқиб олишган. Янада юқори жойлар денгиз флоты хизматчиларига аталган. Чунки амфи-

Kolizey

Yetti mo'jizaning biri



Колизейнинг яратилиш тарихига эътиборингизни қаратсак, у Рим императори Веспасион томонидан қурила бошланган. Кейинчалик, унинг ўғли император Тит иншоотни куриб битказган. Ушбу иморат Рим меъморчилиги ҳамда муҳандислигининг юксак намунаси ҳисобланади.

театрни ёгин-сочиндан ҳимояловчи улкан бўз матонинг вақтида очилишига айнан улар жавобгар бўлганлар. Колизейнинг махсус ерости бўлмаларидаги қафасларда ҳайвонлар сақланган, йўлақларда гладиаторларни жангга тайёрлашган.

Амфитеатрга кириш мутлақо текин бўлган. Аксинча, Колизейга кирган ҳар бир инсон нон билан сийланган. Бундан кўзланган мақсад, одамларнинг ишончини императорга нисбатан янада

ошириш бўлган. Бу ерга томошабинлар оқиб келган. Айниқса, аёллар бундай томошаларнинг ашаддий ишқибози бўлганлар.

Римда бошқа театрлар ҳам бўлган, аммо уларнинг орасида Колизей ўзининг салобати билан ажралиб турган. Колизейнинг очилиш маросимига салкам 100 кун тайёргарлик қўрилган. Ана шу вақт давомида Африкадан келтирилган 5 мингга яқин ёввойи ҳайвон, юзлаб гладиаторлар ҳалоқ бўлган. Гладиаторлар жангида даставвал асирга тушган жангчилар ва ўлимга маҳкум этилганларгина қатнаша оларди. Қадимги Рим қонунига кўра жангда ғолиб бўлган инсон ўз ҳаётини сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлган.

IV асрга келиб император Гонорий гладиатор жанглари таъқиқлайди. Шундан сўнг VI асргача ҳайвонлар олишуви бўлиб ўтган. Италия тарихида содир бўлган кучли зилзиладан сўнг унинг кўп қисми кулаб, қурилиш ашёлари майдонига айланган. Иншоот деворининг маълум қисми бузилиб гиштидан черковлар қурилиши учун фойдаланилган. Кейинчалик эса Колизей таъмирланиб, ҳозирги ҳолатига келтирилган.

Шундай бўлсада Колизей Рим меъморчилик санъатининг энг нодир, дурдона асари ва унинг тимсоли бўлиб қолаверади.

Оттабек ЭШПҮЛАТОВ,
Чирчиқ шаҳри.

QULUPNAYNING SHIFOBAXSH XUSUSIYATLARI

Айни кунларда қулупнай мавсуми бозорларимизда авжга чиққан. Бугун барча савдо расталаридан уни бемалол топиб, истеъмол қилишингиз мумкин. Табиатнинг бу ажиб неъматининг фойдали хусусиятлари билан барчага бирдек ёқади. Аммо у ҳаммага ҳам мумкин эмас экан... Вой, нега дейсизми? Унда мақолани охиригача ўқинг ва шифокор тавсияларига амал қилинг!

Мутахассис: шифокор-терапевт Шахноза ЯХЎЕВА

Қулупнайни ҳам ҳеч иккиланмасдан муъжазгина дорихонага қиёслаш мумкин. Чунки бу мева қонни кўпайтирувчи темир моддасига, суяклар, тишларни мустаҳкамловчи кальций ва фосфорга, асаб тизими учун гоътада зарур магний моддаларига бой ўсимлик.

Қадимдан халқ табобатида қулупнайдан витамин етишмовчилиги, дармонсизликни даволашда кенг фойдаланилган. Негаки, бу мазали хушбўй ва тотли мева С витаминининг конидир. Бу борада унга фақатгина лимон, апельсин ва қорағат (смородина) тенг келиши мумкин. Кимёвий таркибидаги фойдали минерал моддалар ва антиоксидантлар организмни ёшартириш хусусиятига эга.

ДАРДИНГИЗГА ДАРМОН БЎЛАДИ

Қулупнай таркибидаги биологик фаол моддалар иммунитетни кўтарди, қонни



захарли токсиндан тозалаб, томирлар деворини кучайтиради. Бу эса қулупнайни юрак-қон томир хасталиқларига чалинган инсонлар учун фойдали эканлигини тасдиқлайди. Беморларга даво сифатида ҳафтасига 2 маҳал, қулупнайдан тайёрланган шарбат ичиш тавсия этилади. Бунинг учун ярим кило қулупнай бандидан тозаланиб, сув остида яхшилаб ювилади. Алоҳида идишда новотни эритиб (ярим кило новотни икки пиёла қайнаган сувда) қулупнай билан аралаштирилади ва 10 дақиқа ўртача оловда қайнатилди. Тайёр шарбат юрак хасталиқларида (инфарктдан кейинги ҳолат), камқонликда, операциядан кейинги дармонсизликда қувватбахш восита сифатида қабул қилинади.

ДИАБЕТЛАР УЧУН ФЙДАЛИ МЕВА

Маълумки, қандли диабетга чалинган беморлар ўз таомномаларига алоҳида эътибор беришлари, глюкозага бой озиқ-овқат маҳсулотлари, ҳатто мева-сабзавотларни ҳам эҳтиёткорлик билан истеъмол қилишлари, баъзиларидан эса умуман воз кечишларига тўғри келади. Аммо қулупнай боразида бундай иккиланлишларга йўл қўйилмайди. Беморлар бу мевани бемалол истеъмол қилишлари мумкин. Негаки, қулупнай қондаги қанд даражасини пасайтириш хусусиятига эга.

ҚУЛУПНАЙ МИКРОБЛАРГА ҚАРШИ КУРАШАДИ

Аёл организми учун гоъта керакли бўлган фолат кислотасини ҳам айнан қулупнайдан топасиз. Орга-



низда гормонал мувоzanат сақланиши, ҳайзинг бир муддатда келишини таъминлаш учун вақти-вақти билан қулупнайли шарбат, ичиб туриш фойдали.

Бундан ташқари, қулупнай организмни вируслардан ҳимоялайди. Тадқиқотчи олимларнинг фикрича, қулупнай яллиғланиш ва микробларга қарши кучли таъсирга эга. У яллиғланишнинг олдини олади, беморнинг иштаҳасини очиб, иситмасини ҳам туширади.

Таркибидаги йод моддаси ичакларга тез сингиб, тўлақонли ўзлаштирилади. Шунга кўра, бу мевани буюқ касалига чалинган инсонлар истеъмол қилишлари буюрилади. Қулупнай музлаткичада сақланиб, ёз ойларида мунтазам тановул қилинса таомга йодланган туз қўшгандан ҳам фойдаси катта бўлади.

Ухлолмасангиз ҳам қулупнай енг. Ётишдан бир соат олдин бир ликопча қулупнайни шакар билан аралаштириб есангиз, тиникиб ухлашингиз тайин.

БАРГИ ҲАМ, БАНДИ ҲАМ БИРДЕК ФЙДАЛИ

Томорқада қулупнай экан бўлсангиз, текин дорихонага эга бўлдим, деяверинг. Қулупнайнинг нафақат ўзи, балки пояси, барги, банди ҳам шифобахш. Одатда, мевани истеъмол қилишдан аввал, дарҳол яшил бандидан тозалаймиз. Шунда бандларни ташлашга шовилманг. Ундан шифобахш тиндирма тайёрлаш мумкин. Бунинг учун қулупнайнинг яшил банди яхшилаб ювилиб, устига 2 пиёла сув қуйилади, бир кеча салқин жойда тиндирилиб, докдан ўтказилади. Тиндирма ҳайзинг меъёрдан ортиқ ёки оғриқли келишида кунига бир маҳал бир пиёладан ичилади. Бу восита жинсий аъзолардаги яллиғланиш, нохуш оғриқ сезилганда ҳам асқотади. Фақат бундай тиндирмани кунига 3-4 маҳал, ярим пиёладан ичасиз.

ГЎЗАЛЛИККА ҲАМ ҲИССА ҚЎШАДИ

Аёлларимиз янада жозибали кўринишлари учун бу мевадан фойдаланишлари мумкин. Қулупнайли ниқоблар терини таранглаштириб, керакли витаминлар билан бойитида, ўсмир қизларда кузатиладиган



хуснбузардан халос бўлишга ёрдам беради, теридеги майда қора нуқталар, доғларни кетказиб, юз терисини майинлаштиради.

ЗАРАРИНИ ҲАМ УНУТМАНГ!

Бу меванинг шифобахш хусусиятлари ниҳоятда кўп бўлгани билан, баъзи инсонлар учун зарарли бўлиши ҳам мумкин. Қулупнайни ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яраси кўзгаган пайтда, гастритнинг ўткир турида камроқ истеъмол қилиш керак. Негаки, бундай пайтда қулупнай уруғидаги баъзи моддалар касалликни янада кўзгатиши мумкин.

Қон босими кўтарилган кишилар доирисини ичган пайтда қулупнайни тановул қилмагани маъқул. Чунки дори ҳам қулупнай ҳам қон босимини туширишга ҳаракат қилгани сабабли, буйрақларни анча зўриқтириб қўяди.

Баъзи инсонларда озиқ-овқат маҳсулотларининг у ёки бу турига аллергия таъсир бўлади. Улар бу маҳсулотни тановул қилганларидан сўнг нафас бўғилиши, терига эшакем ва бошқа аллергия тошмалар топиши каби аломатлар юзга келади. Бирон-бир аллергия касалликка чалинган бўлсангиз ёки қулупнай истеъмол қилганингиздан кейин терига қичишадиган тошмалар пайдо бўлса, мевани тановул қилишни дарҳол тўхтатинг.

Камола тайёрлади.

Бир йил тут эккан киши, юз йил гавҳар теради, халқимизда шундай мақол бор. Қизик, тут мевасини гавҳар деб аташяптими демак, у шундай қимматбаҳо экан-да. Айни вақтда шифобахш "гавҳар"лар фарқ пишган ва бозор расталаридан ўз ўринларини толган. Сиз бу меванинг қандай шифо эканлигини биласизми? Тут биз ўйлагандан ҳам кўпроқ дардларга даво экан.

ҲАҚИҚИЙ ДАРМОНДОР

Иммун тизимни кучайтириб, организмнинг юқумли касалликларга қарши ҳимоя тизимини мустаҳкамлашда тутнинг фойдаси катта. У терига барвақт ажин тушишдан сақлайди, кўриш қобилиятини ошириб, кўз тўрпадарасининг зарарланиши каби касалликларнинг олдини олади.

Вирусларни ва инфекцияларни олдини олиш вазифасини бажаради.

Tutni darmon tutish lozim

Ичак ва ошқозоннинг соғлом фаолиятига ёрдам беради. Қонни тозалайди ва организмдан токсинларни олиб ташлайди, бу жигарга ёрдам беради, Ревматизм касалликларини даволашга ёрдам беради, оғриқ ва оғриқли яллиғланишга ёрдам беради, қон босимини нормаллаштиради ва анемияни олдини олади, тоник таъсирга эга ва асаб тизимини мустаҳкамлайди.

Халқ табобатида тут қадимдан турли касалликларни даволашда қўлланилиб келинади. Тут шираси қонни тозалаш, кўпайтириш мақсадида ҳам кенг қўлланган. Баргининг қайнатмаси эса ангина ва бошқа шомоллаш касалликларида иситмани туширувчи, чанқоқни қолдирувчи восита сифатида қўлланилган.

ШИННИСИ МЕВАСИДАН ФЙДАЛИ

Тут мевасидан тайёрланадиган шин-

ни ниҳоятда қувватли таом бўлиб, одамнинг дармонини ошириб, иммунитетни мустаҳкамлайди. Юрак фаолиятига ижобий таъсир ўтказади. Шинни одатда бир кун мобайнида қайнатилди. Яхши пишган балхут мевалари авайлаб ювилиб (момолар айтганидай, бир сув югуртириб), катта қозонга солинади. Сўнг ўртача оловда узоқ вақт қайнатилди. Шакар солинмайди. Унинг тайёр ҳолга келганини рангидан билиш мумкин, чунки тайёр бўлган шинни қоп-қора тусга киради ва тут мевалари бутунлай эзилиб, сувга айланади. Тут шиннисини шаша банка ёки оғзи ёпиладиган челақ, кастрюлька каби идишларда қувиқ асраб қўйиш мумкин. Бу емак шундай неъматки, худди сирка сингари қанча узоқ сақланса, шунча куч йиғади ва таъсири ўткир бўлади.

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, тутнинг барги ва пўстлоғи ҳам турли биологик фаол моддаларга бой.

Баргининг таркибида флавоноидлар, каротин, эфир мойи, органик кислоталар, дарахт пўстлоғида эса бўёқли ва ошловчи моддалар, турли хилдаги кислоталар мавжудлиги аниқланган. Пўстлоғининг қайнатмаси шамоллаш ва ўпка касалликларида балғам кўчирувчи восита саналади. Тут илдининг қайнатмаси эса организмдаги гижжаларни ҳайдаш хусусиятига эга.

Машҳур ҳаким Абу Али ибн Сино тутдан шифобахш восита сифатида унумли фойдаланган. Унинг асарларида таъриф берилишича, ширин тут иссиқлик, нордон шотут эса сувуқлик ҳисобланади. Тиб илмининг султони тутнинг ҳар икки турини ҳам овқатдан олдин ейишни тавсия қилган. Шундай қилинганда тут меъдага зарар етказмайди. Агар тут, узум ва қора анжир барглари ёмғир сувида қайнатиб ишлатилса, сочни соғайтиради.

ВАСИЛА тайёрлади.

Хаёт турфа қийинчилигу синовларга, ажойиботларга, шу билан бирга пайти келиб ширин хотиралар билан эсландиган дамларга бой. Инсон умри мобайнида турли қизик хангомаларга ҳам дуч келадик, кейин уни ҳар эсланда қотиб қотиб кулади. Сизга ҳикоя қилиб бермоқчи бўлган воқеа ҳақиқатдан ҳам рўй берганми ёки йўқми аниқ айтолмайман, аммо орамизда шунга ўхшаш воқеалар тез-тез учраб туриши рост.



РОУТАХТДА QOLGAN "SPARK"

Квартира қидириб чарчаб кетган Олимжон вақтинчалик кўним топган қариндошининг уйига ярим кечаси келади. Уй топиб берувчи "маклер" валломатларнинг у хонадондан бу хонадонга эргаштириб юришидан оёқлари толиб кетганди. Яна бу тушмагур маклерлар йўлқира ҳаққини ҳам миқозининг бўйнига қўйишиб, машинанинг олдинги ўриндиғида ялпайиб кетишини айтмайсизми. Йўл-йўлакай бечора Олимжоннинг кўйинини пуч ёнғоққа тўлдириб боришади-да, манзилга етгач ижара пулидан ҳам яна бир баравар ортиқ устамасини айтиб капалагини учиради. У бўлса ҳаммасини ичига ютади-да, "иккинчи уй бозорига бормайман", дея ўзига-ўзи сўз бериб, қариндошиникига қайтади. Аммо қаерда дейсиз, эртаси кун яна уй бозори очилмасдан дарвоза ёнида пайдо бўлади.

Университетнинг иккинчи курсида ўқийдиган қаҳрамонимиз республиканинг қай бир четидан катта умидлар билан келган. Бу йилку талаба кўпайиб ётоқхоналар ҳам лик тўлди. Оғзини очиб қолганлар эса ҳали ҳам "маклерларни" семиртиришмоқда. Олимбой ҳам шуларнинг қаторида. Эрталабдан тушгача яшаш учун жой қидиради, тушдан кечгача эса ўқишида бўлади. Қариндошининг уйига эрта боргиси ҳам келмайди. Деярли уйда бўлмайдиган қариндошлари тун ярмида келишади. Пойтахтнинг энг чекка туманларида жойлашган хонадондан то университетга боргунча Олимжоннинг оёғидаги туфли ярим қарич пасаяди. У эса "талабалик-сарсон даврим", деб кунларини шундай ўтказди.

Бир кун унинг қўл телефони жириглаб қолди. Миллий университетнинг журналистика факультетида ўқийдиган ўртоғи доим иш қидириб юрарди. Олимжонга ҳам "бугун ... каналда суҳбат экан" дея ичини ёндириб қўйди. Ижарага яшаш жойи тополмай хуноб бўлган қаҳрамонимиз "ҳеч бўлмаса ишга кирарман" деган умидда дарров кийинди-да, телевидение томон оёғи олти, қўли етти бўлиб югурди.

Дарвоза ёнида ўн нафарча таниш-нотаниш ўсмир, ундан сал ёши катталар йиғилишиб туришарди. Олимжон ҳам уларга қўшилди. Қаҳрамонимиз уларга синчиклаб қарар экан, ўзи билан таққослай кетди. Қайси бири кастюм-шим кийган, яна бошқаси оқ кўйлак кийиб бўйинбоғ таққан. Олимжон эса кўча кийимида. "Шундан айб топишмаса бўлгани", деб қўйди ичиди.

Салдан сўнг уларни ичкарига чақиришди. Қаҳрамонимиз ҳам ҳа я жонланганча йиғилганларга эргашди. Уларни гримхонага киргизишди. Уч нафар пардозчи қиз бирин-кетин 10 нафар одамни пардозлай бошлади. Олимжон охири бўлиб яса-

тилди. У ҳали ҳам хурсанд эди. Негаки, "суҳбатдан ўтишда энг муҳими яхши кўриниш. Кейин суҳбатни ҳам боқлайди. Фалсафий гаплардан гапириб, ақллидек тутати ўзини. Ҳа, гапни қотиради..." Шундай ҳаёллар билан юрган Олимжоннинг воқеа давомида тарвузи қўлтиғидан тушди. Уларни ишга олиш учун суҳбатга эмас, интеллектуал кўрсатувга чақиришган экан. Яқинда университетни битириб келган журналист йигит ишга кириш ва баҳонада маошга ёзилиш учун шу лойиҳани ўйлаб топганмиш. Қаҳрамонимиз яна пуч ёнғоқ ғамлаганини фахрлаб хуноби ошди. Бафуржа ўтириб оқватлинишга вақти йўқ эди, энди бўлса ярим кечгача қоладиган бўлди.

Лойиҳада камера ортида ўтирган бошловчи савол ташласа, қатнашчи унга жавоб беради. Бир нечта шартлардан ўтган голиб дастур сўнигида яқинларига салом йўллаб, саҳнани тарк этади. Лойиҳа ташкилотчиларидан семизгина раҳмат эшитида-да, ҳеч нарса кўрмагандек

уйларига қайтишади. Иккинчи марта келиб ўтирмаслик учун ўзига қаттиқ ваъда беради. Олимжон ҳам голиблар қаторидан бўлиб, ҳаммага

“**Бу бола ёлгончи бўлиб қолдику деяётгандирсиз? Йўқ, Олимжон бу масаланинг ечимини яна, албатта, одамларимизга, содда ва ажиб табиатли халқимизга қўйиб берди. "Spark"ни қачон кўрамиз? дегувчиларга эса Олимжон зўр жавоб ҳам топиб қўйди. "Спарк" пойтахтда қолди, худо хоҳласа, камаз бўлганда уйга қайтади.**"

салом йўллади. Устозларини, уйдагиларини ютуғи билан табриклаб, уларга раҳматларини изҳор қилди.

Қаҳрамонимиз ярим ўқув йилини турар жой қидириб ўтказди. Университетга боргунча минмагани фақат самолёт қолганди. Биринчи ўқув йили тугаб уйига кетадиган чоғда эса, курсдошларидан сўрай-сўрай қарз олиб, бир амаллаб билетга пул топди. Таксига ҳам пул сарфлагиси келмай уч бекат пиёда юриб поездга чиққан Олимжонни уйда яна бир ажойиб хангома кутар эди.

Бир уюм кийими-ю таътил давомида керак бўладиган лаш-лушлари солинган сумкасини кўтариб қишлоқ кўчасига кириб келганда ҳамқишлоқлари, кўшнилари фахр, ғурур ва ҳайрат йўғрилган қарашлар билан кутиб олишди. Уйига кирганда эса қариндошлари йиғилишган, битта-ю битта кўйни сўйишиб, ош дамлашаётган экан. Олимжонни биринчи бўлиб кўрган қандайдир бир қариндоши кела солиб унинг белидан қучоқлаб кўтара кетди. Қаҳрамонимиз бунинг сабабини билмай ҳамон ҳайратда эди. "Spark" қулли бўлсин жиян!" деган сўз кулоғига чалинди-ю, кейин барчасига тушунди...

Халқимиз ажойиб-да. Айнақса миш-мишларга эхтиромни жуда баянланд. Агар кимнингдир сиғири бузоқ туғибди деб биров айтса, ўзинчи уйга бориб ҳалиги бечора бузоқ туғма айланади, қолади. Олимжонни телевидеода кўрган ҳамқишлоқлари "мишмиш" билан дастур лойиҳачи журналисти ҳам орзу қиладиган "Spark" автомобилдан совға қилишганди. Охири нима бўлди, дейсизми? Қаҳрамонимиз мум тишлаганча ҳеч нарса демади. Чунки бир оғиз сўз билан элга шарманда бўлиши, қишлоқдошлари унинг устидан кулиши мумкин эди.

Таътил давомида қаҳрамонимиз кўпгина ёшларга ўрناق бўлди, оналар уни намуна даражасида фарзандларига кўрсатишарди. "Агар ўқисанг, билим олсанг Олимжон аканга ўхшаб "Spark" мианас. Пойтахтда катта-катта уйларинг бўлади", дея насиҳатлар қилишарди болаларига. Қаҳрамонимиз эса қай ерга бормасин "илмли" деган номи билан дастурхон тўридан жой оларди.

Бу бола ёлгончи бўлиб қолдику деяётгандирсиз? Йўқ, Олимжон бу масаланинг ечимини яна, албатта, одамларимизга, содда ва ажиб табиатли халқимизга қўйиб берди. "Spark"ни қачон кўрамиз" дегичларга эса Олимжон зўр жавоб ҳам топиб қўйди. "Spark" пойтахтда қолди, худо хоҳласа, камаз бўлганда уйга қайтади."

Оламгир АБДИЕВ,
Сурхондарё вилояти

Oila va jamiyat
Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

Обуна индекси - 176

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, "Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш" ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди

Бош муҳаррир: Акбар ҚАРШИЕВ

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент - 100000.
Амир Темура кўчаси
1-тор кўча, 2-уй.

Қабулхона: (факс) 233-28-20,
Котибият: 233-04-35, 234-76-08

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г - 536. Формати А-3, ҳажми 3 табоқ. Адади - 2301. Баҳоסי келишилган нархда.

Босишга топшириш вақти - 15:00 Топширилди - 15:00

Навбатчи: Б. Исмоилов
Мусаҳҳиҳ: С. Сайдалимов
Саҳифаловчи: А. Маликов

ISSN 2010-7400



Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

1 2 3 4 5